

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
“АХБОРОТ СОАТЛАРИ” № 19-2017**

**Ҳафтанинг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалари (30 январь-4
февраль кунлари)**

**I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

**ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯ, НАФАҚА ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИ ТЎЛАШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-
ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, пенсионерлар, талабалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини сўзсиз таъминлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида харид қиладиган товар ва хизматлар учун тўловларни тўсиқларсиз амалга ошириши учун қулай шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси раҳбарларининг эътибори Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўз вақтида тўланмаётгани, тўлов терминаллари ва банк аппаратлари тизими етарли даражада ривожланмаган ҳолда тўловлар пластик карточкаларга асоссиз равишда ўтказилаётгани тўғрисида кўплаб мурожаатлар келиб тушаётганига қаратилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йилнинг февраль ойидан бошлаб:

барча турдаги пенсиялар бутун мамлакат ҳудудида ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда берилади;

иловада келтирилган тоғли ва олис туманлардаги бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий тўловлар ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилади;

олий ўқув юртлари талабаларига стипендияларнинг камида 50 фоизи нақд шаклда берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти пенсиялар мазкур қарорнинг 2-бандига мувофиқ, қонунчиликда белгиланган муддатда, тегишли ойнинг 27 санасидан кечиктирмай тўланишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

тижорат банклари билан биргаликда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ҳамда уларга тенглаштирилган тўловларни тўлашда йўл қўйилаётган доимий суиистеъмолликларни сўзсиз бартараф этишга доир чораларни кўрсин, тўловларнинг биринчи талабга биноан хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб рақамларидан ҳеч қандай монеликсиз берилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда мавжуд тўлов терминаллари инфратузилмасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақини нақд шаклда ва пластик карталарга ўтказиш йўли билан тўлашни танқидий қайта кўриб чиқсин ва бу борада мақбул нисбатларни белгиласин. Қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ахборот берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги 147-сонли “Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида”ги қарорининг 3- ва 4-бандларида кўзда тутилган нақд пул маблағлари ўз вақтида берилишини таъминламаётган тижорат банклари раҳбарлари ва мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш бўйича нормалар амалда қандай қўлланилаётганини ўргансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмага чиқиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда унинг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидан тижорат банклари кассаларига ўз вақтида қайтарилишини таъминлашга қаратилган аниқ тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин.

7. Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида ва узлуксиз тўланишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Б.Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.С.Азимов ва Марказий банк раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон
Президенти**

**Республикаси
Ш.Мирзиёев**

Тошкент шаҳри, 2017 йил 2 февраль

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи,
пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш
механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига
ШАРҲ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан пензионерлар, талабалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилиш, улар Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида харид қиладиган товар ва хизматлар учун

тўловларни тўсиқларсиз амалга ошириши учун қулай шароитлар яратишга доир қатъий чоралар белгиланган.

Мазкур қарор мамлакатимиз ҳудудларида иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар тўлашдаги мавжуд аҳволни танқидий таҳлил қилиш натижасида қабул қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига келаётган мурожаатлар таҳлили иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни ўз вақтида тўламаслик, тўловларни пластик карточкаларга нақдсиз шаклда асоссиз равишда ўтказиш ҳолатлари кўпайгани ҳамда тўлов терминаллари ва банк аппаратлари тизими етарли даражада ривожланмаганини кўрсатмоқда.

2016 йил 27 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ишга тушганидан буён 7 мингдан ортиқ шундай мазмундаги мурожаатлар келиб тушган.

Ушбу салбий ҳолатларга барҳам бериш мақсадида қарорда 2017 йил февраль ойидан бошлаб:

биринчидан, барча турдаги пенсияларни тўлаш ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши;

иккинчидан, 58 тоғли ва олис туманларда жойлашган бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, шунингдек, ушбу туманлар аҳолисига ижтимоий тўловлар ҳам ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши;

учинчидан, олий ўқув юртлари талабаларига стипендия тўлаш 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда нақд шаклда амалга оширилиши белгиланган.

Шу билан бирга, Молия вазирлиги, Пенсия жамғармаси ва почта хизмати ташкилотларига пенсияларнинг узлуксиз, тегишли ойнинг 27 санасидан кечиктирмай тўланишини таъминлашга доир қатъий топшириқ берилган.

Бундан ташқари, ҳудудларда шаклланган иш ҳақини нақд шаклда ҳамда пластик карталарга ўтказиш йўли билан тўлашдаги нисбатлар танқидий қайта кўриб чиқилади. Бу жараёнда одамлар ўз иш ҳақидан фойдаланишда муаммоларга дуч келмаслиги ва ўзларига керакли товар ва хизматларни эркин харид қилишлари учун мавжуд тўлов терминаллари инфратузилмаси ҳисобга олинади.

Марказий банк тижорат банкларининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ҳамда уларга тенглаштирилган тўловларни тўлашда йўл қўйилаётган қоидабузарликлар ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этишга доир ишларини ташкил этиши лозим. Биринчи талабга биноан пул маблағлари хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақларидан ҳеч қандай монеликсиз берилишини таъминлаши зарур.

Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши Бош прокуратура томонидан қатъий назоратга олинади. Шунингдек, Бош прокуратура тижорат банклари мансабдор шахсларининг белгиланган тартибни бузганлик учун жавобгарликка тортилиши тўғрисидаги қонунчилик нормаларининг амалда қўлланилишини ўрганади.

Шу билан бир қаторда, қарорда тижорат банкларини иш ҳақи, пенсиялар ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш учун керакли нақд пул маблағлари билан таъминлаш мақсадида пул маблағларининг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидан тўлиқ ва ўз вақтида тижорат банклари кассаларига топширилишини таъминлашга қаратилган ҳамда бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келадиган тизимли комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўзда тутилган.

Президентимиз қарори ижросини таъминлаш иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ҳамда уларга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ вазиятни тубдан яхшилаш ва фуқароларнинг ўз пул маблағларини ўзларига қулай шаклда олиш бўйича қонуний ҳуқуқларини тўла таъминлашга хизмат қилади.

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ – АҲОЛИГА ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 3 февраль куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Мамлакатимиз тараққиёти улкан бунёдкорлик ишларига асос бўлмоқда. Шаҳару қишлоқларда янги саноат корхоналари, ижтимоий иншоотлар, турар жойлар, йўл ва кўприклар барпо этилмоқда. Тадбиркорлик, савдо ва маиший хизматлар кенг ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси ошиб бормоқда.

Президентимиз томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси ушбу ислохотлар самарасини ошириш, мамлакат ва жамият ривожини янги босқичга кўтаришга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Бунёдкор ва Муқимий кўчалари кесишган жойда қурилаётган йўл ўтказгич билан танишди.

Муқимий ва Бунёдкор кўчалари кесишган чорраҳада тирбандлик юзага келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ортиқча вақт йўқотишига, ёқилғи сарфи ошиб, атроф-муҳит ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Узунлиги 900, баландлиги 6, кенглиги 24 метр бўлган 6 полосали мазкур йўл ўтказгич нафақат ҳайдовчилар ва пиёдаларга, балки шу атрофда яшаётган аҳолига ҳам бир қанча қулайликлар яратади.

Кўприкнинг икки томонида пиёдалар учун умумий узунлиги 131,6 метр бўлган иккита ер усти ўтиш йўлаги ҳам барпо этилмоқда. Ёғин-сочиндан ҳимоялаш мосламалари, эскалатор ва лифтлар ўрнатилади.

Президентимиз қурилишнинг бориши билан танишар экан, мамлакатимизда кундан-кун аҳоли фаровонлиги ошиб, хонадонларда машиналар кўпаяётгани, пойтахт кўчаларида автомобиль қатнови ортаяётганини инобатга олиш зарурлигини, бунинг учун қўшимча йўллар ва кўприклар барпо этишга эҳтиёж сезилаётганини алоҳида таъкидлади.

Қурувчиларга ишнинг тез ва сифатли бажарилиши юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Кўприк Наврўз байрами арафасида ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

Президентимиз шу ерда Бунёдкор ва Чўпонота кўчалари чоррахасида қурилиши режалаштирилган йўл ўтказгич лойиҳаси билан ҳам танишди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент метрополитенининг Сергели йўналишида олиб борилаётган қурилиш участкасида бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан транспорт соҳаси, жумладан, метрополитенни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент метрополитени аҳолига янада кенг қулайликлар яратиш, йўловчиларни ташиш хавфсизлигини таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш борасида самарали ишларни амалга оширмоқда. Чилонзор, Ўзбекистон ва Юнусобод йўналишларидан иборат Тошкент метрополитени бугун пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларига самарали транспорт хизмати кўрсатиб келмоқда.

Метрополитеннинг Сергели йўналиши аввалгиларидан фарқли тарзда ер устидан ўтади. Қурилиш ишлари 2017-2020 йилларга мўлжалланган мазкур йўналишнинг узунлиги 7,1 километрни ташкил этади. У тўлиқ ишга туширилгач, йилига 14 миллиондан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳа Ўзбекистон тарихида ягоналигини алоҳида таъкидлади. Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида бекатлар усти ёпиқ бўлиши кераклигини қайд этди.

Президентимиз Сергели туманида бунёд этилаётган замонавий кўп қаватли уй-жойлар қурилишини ҳам кўздан кечирди. Мустақиллигимиз меъмори Ислом Каримов ташаббуси билан аксарият шаҳарларимиз бош режа асосида қайта қурилди. Тошкент, Нукус, Урганч, Бухоро, Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Қарши, Термиз ва бошқа шаҳарларнинг бугунги жамоли бунинг яққол тасдиғидир.

Сергели туманида 2016-2017 йиллар режасига асосан 4284 хонадондан иборат 102 замонавий кўп қаватли уй-жой қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур йирик лойиҳа ёш ва эҳтиёжманд оилаларнинг турар жойга бўлган талабини қондириш имконини яратади. Эътиборлиси, уйлар оилаларга имтиёзли ипотека кредити орқали берилади.

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги арафасида ушбу уй-жойнинг 66 тасини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Бу ерда таълим муассасалари, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам барпо этилади.

Асосий мақсадимиз – одамларга қулайлик яратиш, уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, деди Президентимиз. Мазкур уй-жойлар тақсимоотида адолат мезонига қатъий риоя этилиши керак. Шунда халқимизнинг кайфияти яхши, ҳаётдан рози бўлади. Эртанги кунга ишончи ортади. Аҳолининг эҳтиёжи, талабидан келиб чиқиб, бундай уйларни

Тошкент шаҳрининг барча туманларида 10 тадан қуришни режалаштирмамиз.

Мутасадди раҳбарлар ва мутахассисларга мазкур иншоотларни бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган пухта лойиҳалар асосида қуриш, уларни энг замонавий инфратузилмалар билан таъминлаш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Шавкат Мирзиёев Яккасарой туманидаги “Яккасарой кичик саноат зонаси” давлат унитар корхонасига ташриф буюрди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби пойтахтимизда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борада янги босқични бошлаб берди. Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг Юнусобод, Сергели ва Яккасарой туманларида узок йиллардан бери фаолият кўрсатмаётган корхоналар негизда 3 та технопарк ташкил этилган бўлиб, улар тадбиркорларга мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишда қулай шарт-шароитлар яратмоқда.

Яккасарой туманидаги собиқ тўқимачилик комбинати ҳудудида ташкил этилган “Яккасарой кичик саноат зонаси” давлат унитар корхонасининг умумий ер майдони 61,2 гектар, бино ва иншоотлар майдони 338 минг квадрат метр. Ҳозир бу ерда 284 тадбиркорлик субъекти тўқимачилик, кимё саноати, озиқ-овқат, мебелсозлик, металлни қайта ишлаш, қоғоз, чармпойабзал, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик каби тармоқларда фаолият юритмоқда. Улар томонидан 2016 йилда 630 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 48,5 миллион долларлик товарлар экспорт қилинган.

Тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида технопарк ҳудудида банк шохобчаси, нотариал идора, темир йўл линияси хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда 6 минг 600 дан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари технопарк ҳудудидаги лойиҳалар билан танишар экан, бундай кичик саноат зоналарини пойтахтимизнинг барча туманларида ташкил этиш, уларда кичик бизнес вакилларига кенг имтиёзлар яратиш зарурлигини таъкидлади. Мазкур корхоналарнинг хорижий ҳамкорлар топишига қўмаклашиш лозимлиги, бу уларнинг чет эл бозорларига чиқиши ва маҳсулотлари экспортини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Зарар кўриб ишлаётган корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан масала ҳал бўлиб қолмайди, деди Президентимиз. Бундай корхоналар негизда барпо этилаётган технопаркларда муҳандислик-

коммуникация тизими ва инфратузилмани ривожлантириш, тадбиркорлар фаолияти учун қулай шароитлар яратиш лозим. Бошлаётган ишдан эртага даромад келишини улар билсин. Шундагина бу соҳадаги ишлар кўзланган натижани беради.

Шавкат Мирзиёев технопарк ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлар билан мулоқот қилди. Мамлакатимизда яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳитидан самарали фойдаланиб, маҳсулотлар сифатини ошириш, экспорт фаолиятини янада ривожлантириш, хорижий кўрғазмаларда фаол иштирок этишни таклиф этди. Мутасадди раҳбарларга бундай фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун маҳсулотларни маҳаллийлаштиришни янада кенгайтириш, тадбиркорларга хориждан технологиялар келтириш ва юртимизда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун инвестициялар ажратиш бўйича тегишли топшириқлар берди.

Президентимиз Сергели туманида бунёд этиладиган «Тошкент металлургия заводи» хорижий корхонаси қурилиши лойиҳаси билан танишди.

Лойиҳа қиймати 278,2 миллион еврони ташкил этадиган мазкур корхона таъсисчиси Буюк Британиянинг «Quality Trade Supplies L.P.» компанияси ҳисобланади.

Умумий ер майдони 100 гектардан иборат бўлган ушбу корхона қурилиш ишларини йигирма тўрт ойда якунлаш режалаштирилган. Заводга Италия, Германия, Австрия каби давлатларда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар келтирилади. Корхонада автомобиллар кузови ишлаб чиқариш учун металл листлар, қурилишда ишлатиладиган турли металл черепицалар, профнастил ҳамда маиший техникалар учун металл листлар тайёрланади. Корхона тўлиқ қувватда ишга туширилгач, 1000 дан зиёд иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхона қурилиши бошланиши билан танишди. Мазкур металлургия заводининг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ўрнига тўхталиб, бу ерда ишлайдиган мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Пудратчи ва қурувчилар билан суҳбатлашди, ушбу масъулиятли ишда уларга муваффақиятлар тилади.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети, Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва соҳага ихтисослашган касб-ҳунар коллежларида мазкур корхона учун мутахассислар тайёрлаш лозимлиги таъкидланди.

Президентимиз Тошкент шаҳрининг Олмазор ва Бешёғоч кўчалари кесишувидаги ҳудудда барпо этилаётган кўп тармоқли спорт комплекси қурилишини кўздан кечирди.

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўсини янада юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири бўлган спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида қурилаётган «Ҳумо» спорт мажмуаси дизайнида замонавий қурилиш ечимлари ва илғор

технологиялар миллий маданият элементлари билан уйғунлаштирилади. Мажмуа бинолари кўкка парвоз этаётган бахт ва ҳурлик рамзи – Ҳумо куши кўринишида барпо этилади.

Иншоот ҳар бири 60x30 метр ўлчамдаги асосий ва машқ муз ареналаридан иборат. Умумий майдони 74 минг квадрат метрни ташкил этадиган иншоот тўрт қаватдан иборат бўлади.

Мобиль ўриндиқларга эга бўлган сарой спорт мусобақалари ўтказиш зали сифатида 14 минг, концерт зали сифатида 10 минг томошабинга мўлжалланган. Асосий бинода 300 ўринли машқ аренаси ҳам лойиҳалаштирилган.

Аренада хоккей, шорт-трек, фигурали учиш, кёрлинг бўйича мусобақалар билан бир қаторда баскетбол, волейбол, гандбол, футзал, бокс, таэквондо ва спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам беллашувлар ўтказиш имконияти яратилади. Бундан ташқари, мажмуа байрам тадбирлари, концертлар, кўргазма ва форумлар ташкил этиш учун ҳам барча шароитга эга бўлади.

Мажмуа ҳудудида умумий бош режа концепциясига асосан спорт музейи, болалар учун ёпиқ майдон, тренажер заллар, фитнес маркази, замонавий овқатланиш шохобчалари, спорт анжомлари дўкони ва бошқа хизмат кўрсатиш объектлари жойлаштирилади.

Мажмуанинг муҳандислик тармоқлари, ёнғин хавфсизлиги, ёритиш, вентиляция, иссиқлик манбаи, кондиционерлаш тизимлари тўлиқ автоматлашган бўлиб, тежамкор технологиялар қўлланган ҳолда лойиҳаланган.

Бундан ташқари, бино ёнида тўрт қаватли автомобиллар турар жойи қурилиши режалаштирилган.

Объектни 2018 йилда ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бундай замонавий спорт иншоотларининг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди, мутасаддиларга қурилиш жараёнини юқори сифатда амалга ошириш бўйича зарур тавсиялар берди.

Президентимиз Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғидаги Шоирлар хиёбонида бир гуруҳ адиблар билан учрашди.

Мустақиллик йилларида ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини шакллантириш, таълим муассасаларини бадиий, маърифий, илмий-оммабоп ва тарбиявий адабиётлар билан таъминлашни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим қадам бўлди.

Учрашувда бу масканни янада обод қилиш, одамларнинг, айниқса, ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, уларни китобга ошно қилиш, машҳур

адибларимиз ҳаёти ва ижоди билан яқиндан таништириш мақсадида уларни бу даргоҳга мунтазам равишда жалб этиш ҳақида сўз борди.

Бу боғ буюк мутафаккир Алишер Навоий номи билан аталишида теран маъно мужассам, деди Президентимиз. Зеро, улуғ шоир ижодий мероси халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга садоқат ва миллий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади.

Шоирлар хиёбони шундай маскан бўлиши керакки, бу ерда мунтазам шеърлар жаранглаб туриши зарур. Зотан, шеърятга ошно бўлган инсон асло кам бўлмайди, деди давлатимиз раҳбари. Мамлакатимиздаги барча маданий муассасаларда шеърхонлик кечалари ўтказиш, ёшларнинг бундай учрашувларда фаол иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этилди.

Учрашувда шоир ва ёзувчилар ижод аҳлига, китоб мутолаасига, китобхонлик маданияти тарғиботига қаратаётган юксак эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди.

Президентимиз таклифи билан 2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Халқни эшитиш, аҳолининг талаб ва истакларини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Шу мақсадда 2016 йил 28 декабрда Президентимизнинг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Мазкур фармонга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари, Тошкент шаҳрида, шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонасида ҳам фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилишига оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш учун барча қулайлик яратилган.

Қабулхонага кираверишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир», деган сўзлари битилган. Муассаса фаолияти ана шу мезон асосида йўлга қўйилган. Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва сақлаш учун замонавий шарт-шароитлар яратилган. Ходимлар, ёш болали оналар, ногиронлар ва фуқаролар учун барча жиҳатлар эътиборга олинган.

Тошкент шаҳрида аҳоли кўплигини инобатга олиб, бу ерда соҳавий бўлимлар ташкил этилган. Ушбу қабулхона Амир Темур кўчаси, 14-уйда жойлашган.

Давлатимиз раҳбари Халқ қабулхонаси фаолияти билан танишар экан, унинг ташкилий жиҳатларига юқори баҳо берди. Энди уни мазмунан

бойитиш, ички маданиятини мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Тошкент шаҳрининг салоҳияти ҳам, аҳоли сони, одамларнинг талаби ҳам бошқа жойлардагидан юқори. Ишни шунга мувофиқ ташкил этиш керак. Бу жой халқ манфаатларини таъминлайдиган, ишончини қозонадиган даргоҳ, адолат маскани бўлсин, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Тошкентда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар пойтахтимиз иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини юксалтириш, уни янада замонавий ва обод шаҳарга айлантириш, аҳоли фаровонлигини бунданда оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳалла институтини аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш, фуқаролар йиғинларининг муштарак манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар маҳалла институтини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, уларни жойларда халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш;

жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда маҳаллаларнинг аҳамияти ва нуфузини янада ошириш;

ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ёш авлодни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳолининг эҳтиёжманд катламларини, кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда маҳаллаларнинг бевосита иштирокини кенгайтириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини жорий этиш, маҳалла тизимида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш.

2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва фуқаролар йиғинларининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига (кейинги ўринларда Республика кенгаши деб аталади) юридик шахс мақомини берган ҳолда уни фуқаролар йиғинларининг уюшмаси шаклида ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларни (кейинги ўринларда ҳудудий кенгашлар деб аталади) Республика кенгашининг таркибий тузилмалари сифатида ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига тегишинча Республика кенгаши, ҳудудий кенгашларга жамоатчилик асосида раислик қилиш вазифасини юклаш;

Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар раисларининг биринчи ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг (кейинги ўринларда “Маҳалла” фонди деб аталади) тегишинча республика бошқаруви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари, туманлар ва шаҳарлар бўлинмаларига раислик қилишлари;

Республика кенгашида ташкилий ишлар ва услубий масалалар бўйича раис ўринбосари, шунингдек Республика кенгаши ҳамда ҳудудий кенгашларда ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича раис ўринбосарлари лавозимларини жорий этиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимини киритиш.

3. Қуйидагилар:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ижро аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар ижро аппаратларининг намунавий тузилмалари 3 ва 4-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар ижро аппаратлари

ходимларининг чекланган сонига нисбатан тоифаланган ҳудудлар, туманлар ва шаҳарлар рўйхатлари 5 ва 6-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари зиммасига юклансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари, Республика кенгаши, “Маҳалла” фонди ва маҳаллалар фаолларининг таркибида маҳаллалар тузилган шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳалла фуқаролар йиғинларига бирлаштириш ва бўлиш йўли билан қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

“Маҳалла” фонди ва фуқаролар йиғинларининг таклифига биноан Республика кенгаши, ҳудудий кенгашлар ижро аппаратлари “Маҳалла” фондининг тегишинча республика бошқаруви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари, туманлар ва шаҳарлар бўлинмалари, шунингдек шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларининг қайта ташкил этилиши муносабати билан бўшайдиган штат birlikлари ҳисобидан шакллантирилади;

Республика кенгаши, ҳудудий кенгашлар ижро аппаратларининг штатдаги ходимларини таъминлаш ва моддий рағбатлантириш “Маҳалла” фонди ҳисобидан амалга оширилади, ушбу мақсадларга йўналтириладиган маблағларнинг етмаган қисми эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида”ги 1997 йил 13 майдаги ПФ-1778-сонли Фармонининг меҳнат ҳақи бўйича Ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ рағбатлантириш коэффициенти сифатида маошларга 20 фоизли устама ҳақ ўрнатилишини назарда тутадиган 1-бандининг амал қилиши Республика кенгаши, ҳудудий кенгашлар ижро аппаратлари ходимларига нисбатан қўлланилади;

Республика кенгаши, ҳудудий кенгашлар раисларининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари лавозимларида ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўла миқдорда тўлаш, бунда пенсияларни тўлаш билан боғлиқ харажатларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан қоплаш тартиби жорий этилади;

Республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари мақоми, маиший таъминоти, тиббий ва транспорт хизматидан фойдаланиш борасидаги шарт-шароитларига кўра – вазирга, Республика кенгаши раисининг ўринбосари – вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

7. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли вазифаларни амалга оширишда муносиб ҳисса қўшган ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакилларига тақдим этиладиган “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони таъсис этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Республика кенгаши, “Маҳалла” фонди:

2018 йилнинг 1 декабрига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар марказларида “Маҳалла маркази” мажмуалари биноларини, 2021 йилнинг 1 декабрига фуқаролар йиғинлари идоралари биноларини намунавий лойиҳалар ва уларга қўйилган талаблар асосида қуриш (реконструкция қилиш, таъмирлаш), шунингдек уларни зарур мебель жамланмаси, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва интернет тармоқлари билан жиҳозлаш;

“Маҳалла маркази” мажмуаларида ҳудудий кенгашлар ҳамда “Маҳалла” фондининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари, туманлар ва шаҳарлар бўлинмаларини жойлаштириш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги “Маҳалла” фонди, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У.С.Исмоилов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри, 2017 йил 3 февраль

Ш.Мирзиёев

ТАБИАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИГА ЮНЕСКОНИНГ МАХСУС СЕРТИФИКАТИ ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида “Ғарбий Тянь-Шань” (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон)нинг Трансмиллий сериялар номинацияси бўйича ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий ва табиий мерос рўйхатига киритилганлиги, Наврўз байрами ҳамда палов миллий таомининг номоддий маданий мерос сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатидан такрор жой олгани муносабати билан сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси томонидан ташкил этилди. Унда вазирликлар, Тошкент вилояти

хокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи маъмурияти, мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Абдусаматов, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси масъул котиби А.Икромов ва бошқалар мамлакатимизнинг бой моддий ва номоддий мероси, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлади.

Эслатиб ўтамир, 2016 йилнинг 17 июлида Истанбул шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон маданий мерос бўйича ЮНЕСКО қўмитасининг 40-сессияси ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудларини қамраб олган Тянь-Шань тоғ тизмасининг Марказий Осиё қисми “Ғарбий Тянь-Шань”нинг трансчегаравий объекти сифатида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий ва табиий мерос рўйхатига киритилган. Ўзбекистон ҳудудини Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғига кирувчи Бошқизилсой ва Майдонтол қўриқхоналарини ташкил этади. Чотқол тоғлари Ўзбекистонда бутунжаҳон мероси мақомини олган илк табиий объект ҳисобланади.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Паркент ва Оҳангарон туманларида жойлашган Угом-Чотқол миллий табиат боғи Ўзбекистоннинг бетакрор, сўлим гўшаларидан бирidir. Денгиз сатҳидан 800-4000 метр баландликда жойлашган боғ 574,6 гектар майдондан иборат.

Миллий боғ ҳудудида 1800 дан зиёд ўсимлик тури ўсади. Шундан 74 таси “Қизил китоб”га киритилган. Саккиз турдаги тоғ лоласи, Марказий Осиё ноки, Пском пиёзи, Аболин астрагали, Эремурс ва бошқалар шулар жумласидандир. Миллий боғда 230 дан ортиқ ҳайвон ва қуш тури мавжуд бўлиб, уларнинг 38 таси халқаро ва Ўзбекистон “Қизил китоб”ига киритилган.

– 2003 йили Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишга доир конвенция қабул қилинган, – деди ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Криста Пиккат. – Нодир ёдгорликлар рўйхатига Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари, инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси рўйхатига Наврўз байрами, Катта ашула, Шашмақом, аския қаби миллий анъаналар киритилгани Ўзбекистон халқи катори мени ҳам хурсанд қилади.

Мамлакатимиз яқин келажакда Сармишсойдаги тош битиклар, Шоҳимардон, Зомин, Ҳисор тоғлари ва Бойсун қўриқхонасини Бутунжаҳон маданий ва табиий мерос рўйхатига киритишни ҳам режалаштирган.

Тадбир давомида “Ғарбий Тянь-Шань”, “Наврўз”, “Палов анъанаси” қаби ҳужжатли фильмлар намоиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига ЮНЕСКОнинг махсус сертификати топширилди.

I. ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

СТОУН ТРАМПНИ УКРАИНАДАГИ МОЖАРОЛАРГА ДОИР ХУЖЖАТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШГА ЧАҚИРДИ

Америкалик машхур кинорежиссёр Оливер Стоуннинг фикрича, АҚШ президенти Дональд Трамп Украина можаросига доир махфий маълумотларни ошкор қилиши керак. Режиссёр Россиянинг биринчи каналидаги «Воскресное время» дастурида шундай фикрни билдирган.

Унинг фикрича, америкаликлар вазиятнинг ҳақиқий аҳволини билишмайди. «Агар мен президент Трамп бўлганимда, Украина бўйича барча маълумотларни ошкор қилган бўлар эдим. Сурия бўйича ҳам, аммо биринчи бўлиб Украинани, чунки айнан шу ердан янги совуқ уруши бошланади», — деган режиссёр.

Стоун Америка юкори доираларининг гўёки Россия «Кримни босиб олгани, Донбассга ҳарбийларини юборгани ва умуман Украинага таҳдид солаётгани» ҳақидаги иддаоларини «эртак» деб баҳолади. Режиссёрга кўра, замонавий воқеликлар, шу жумладан Украина можароси ортида Америка Марказий Разведка Бошқармаси (МРБ) турибди. Украина «совуқ урушнинг бошиданок уларнинг нишони бўлган эди», — деган Оливер Стоун.

Стоуннинг таъкидлашича, Вашингтонга уруш бошлаш учун чуқур ўйланган баҳона керак.

«Бу аҳмоқлик. АҚШга кўркув керак, душман керак ва битта эмас. Менимча, Америка қудрати душманлар асосида қурилади, чунки бу бойлик келтиради», — дея хулоса қилган режиссёр.

Америка киноакадемиясининг юксак мукофоти «Оскар»нинг уч карра совриндори Оливер Стоун «Уолл Стрит: Пуллар ухламайди», «Эгизак бинолар», «Жон Ф. Кеннеди: Далласдаги фожиа» каби фильмларни суратга олган. У жиддий сиёсий мавзуларда фильмлар суратга олиши билан машхурдир.

Стоун 2016 йилда «Украина олов домида» номли хужжатли фильмини тақдим этди. Унда 1941-2014 йилларда ушбу мамлакатда рўй берган воқеалар ҳикоя қилинган. Картинада, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши даврида фаолият юритган миллий ҳаракатлар ҳақида ҳикоя қилади.

ОЛОВ, СУВ, ҲАВО, ЕР: ЯШАШ УЧУН ЭНГ ХАВФЛИ ЖОЙЛАР

Аксариятимиз об-ҳаво билан боғлиқ ноқулайликлардан (кутилмаган сел ёки жазирама иссиқ) нолиб қоламиз, бироқ буларнинг барчасини енгиб ўтиш мумкин. Сайёрамизда шундай жойлар борки, у ерларда она-табиат ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Даҳшатли бўронлар, вулқонли лавалар — бундай жойларни забт этишга ортиқча қизиқмаган маъқул. Hi-News сайёрани тўрт элементга ажратиб, уларнинг Ердаги энг хавфли ифодаларига тўхталиб ўтди.

Сув

Сув биз учун хавф туғдириши табиий, чунки биз сув муҳитига яхши мослашмаганмиз (кўпчилик чўмилишни умуман билмайди). Қайиқларни бошқариш борасидаги кўникмаларимизга қарамай, Халқаро денгиз

ташкилоти хабарига кўра, 2012 йилда 1051 нафар киши денгизда ҳалок бўлган.

Баъзи сув ҳавзалари географик жойлашувига кўра, бошқаларидан хавфлироқ бўлади. Норвегиядаги Салстраумен бўғози Ер юзидаги энг кучли оқимлари билан ном қозонган. Бироқ бу маскан шу қадар яхши ўрганилганки, сайёҳлар бу ердан мутахассис билан шиширилган қайиқда «сайр қилиш» имконига эгалар.

Ҳинд океанидаги ороллар гуруҳи, Мальдив ороллари ҳам денгиз сатҳининг ошишга мойиллиги мавжудлиги сабаб «эфемер ороллар» ҳисобланади. Хавф йил сайин ортиб бормоқда, чунки иқлим ўзгармоқда.

Хавф чўққиси цунами ёки бўрон вақтида сув сатҳининг кутилмаганда кўтарилишига тўғри келади.

Дунёда инсонларни хавфдан ҳимоя қилишга қаратилган цунамини «юмшатиш» ёки ундан огоҳлантиришнинг бир неча тизими мавжуд. Бироқ баъзи жойларда огоҳлантириш вақти 20 дақиқага қисқаради, шу боис цунами кўп кишиларнинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин. 2004 йилда янги тарихдаги энг ҳалокатли цунами рўй берди — Индонезиядаги Суматра қирғоқларидаги зилзиладан кейинги цунами 15 мамлакатдаги 280 000 кишининг ҳаётдан кўз юмишига олиб келди. Буни тасаввур қилиш қийин, бироқ дарё тошқинлари бундан-да кўп кишини ҳаётдан олиб кетган.

Хитойдаги Янцзи дарёсида ёз ойларида содир бўлган сув тошқини миллионлаб кишиларнинг ўлимига сабаб бўлди (расмий ҳужжатларда йўқотишлар анчага камайтирилган). Ўша йили кетма-кет ёғган қорлардан кейин кучли эриш ҳолатлари кузатилган, боз устига аномал равишда кучли ёмғирлар ёғган. Натижада тарихдаги энг машъум табиий офат юз берган.

Бугунги кунда Хитойдаги йирик дарёлар қирғоқларида миллиардлаб киши яшайди. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ сув тошқинлари ҳақидаги ўй-хаёллар уларни хотиржам ухлашга қўймайди.

Ҳаво

Африкада бир неча «қотил-кўллар» бор, лекин бу сув туфайли эмас.

Камерундаги Ньос ороли ва Конго Демократик Республикаси ҳамда Руанда чегарасидаги Киву ороли кўримсиз хавф туғдиради. Бу кўллар вулқон фаол бўлган жойларда жойлашган.

1980-йилларда рўй берган ва 1700 киши ҳамда 3500 бош қорамолнинг ҳалокатига олиб келган икки вулқонли портлашдан кейин Камерунда қувурлар ва сифонлар ёрдамида хавфсиз дегазация усуллари ишлаб чиқилди.

Антарктидадаги Мис Денисон Ер юзидаги энг шамолли маскан ҳисобланади. У ерда ҳеч ким яшамаслиги ажабланарли ҳолат эмас. Бироқ мавсумий бўронлар бутун дунё бўйлаб бир неча ҳудудларнинг вайрон бўлишига олиб келади.

Энг кучли бўронлар илиқ океан узра экватордан жануб томонга шаклланади. У ердаги шамоллар босим ўзгариши билан кучаяди ва довул, циклон, тўфон каби табиий офатларини ҳосил қилиб, Кориолис эффекти таъсирида айланади.

Бундай бўронлар ҳақида гап кетар экан, Ҳаити Кариб сув ҳавзасидаги энг хавфли орол ҳисобланади. У нафақат довуллар йўлида, балки ҳеч қандай химоя тизими мавжуд бўлмаган энг қашшоқ мамлакатда жойлашган.

Германиядаги Штутгарт университетининг табиий офатлар бўйича эксперти Жон Биркманнинг айтишича, циклонлар хавфли, чунки уларни олдиндан башорат қилиб бўлмайди.

Биркман БМТ университетининг хавф-хатар тўғрисидаги йиллик ҳисоботини тайёрловчи жамоанинг бир қисми ҳисобланади.

2016 йилда энг хавфли масканлар рўйхатини Вануату бошқарди. Бу мамлакатдаги орол аҳолисининг учдан биридан кўпроғи ҳар йили табиий офатлардан жабр кўради. 2015 йилда оролда бир неча ҳафта оралиғида зилзилалар, вулқон портлаши ва Пэм циклони кузатилди. Расмий маълумотларга кўра, 11 нафар киши ҳалок бўлган.

Ушбу нисбатан кам кўрсаткич инсонларни табиий офатлардан химоялаш бўйича глобал тадбирларнинг иш беришидан далолатдир. Таққослаш учун: 1970 йилнинг ноябрида Бангладешда Бола циклони натижасида 500 000 киши ҳалок бўлган.

Ер

Барча табиий офатлар орасида энг жиддий сабаб тектоник фаоллик ҳисобланади. Ер қобиғи ҳаракатланувчи плиталардан иборат, улар қарама-қарши йўналишда ҳаракат қилганида салоҳиятли энергия тўпланиб қолади. У ташқарига чиқарилганда эса ер юзида кучли силкинишлар содир бўлади.

Энг ҳалокатли зилзила 1556 йилда Шэньси (Хитой)да рўй берган — у 800 000 кишини ҳаётдан олиб кетган.

Ер силкинишлари сайёрамизнинг нисбатан ночор ҳудудларида содир бўлади. Лос-Анжелес ва Токио каби сейсмохавфли шаҳарлар ўз аҳолисини химоялаш учун энг янги меъморий ютуқлардан фойдаланишади. Бироқ «Тинч океанининг оловли узуги» атрофидаги ҳамма мамлакатлар ҳам бунга қодир эмас. Ер юзидаги зилзилаларнинг 81 фоизи шу ҳудудларда рўй беради.

2015 йилда табиий офатлар кўп кузатилган ўн шаҳардан саккизтаси Филиппинда жойлашган.

Олов

Тектоник фаолликнинг яна бир томони вулқонли фаоллик ҳисобланади. Плиталар бир-биридан узоқлашган жойда Ер остидан бу бўшлиқни тўлдирувчи қайноқ магма отилиб чиқади.

Эфиопиядаги Данакиль дараси «Ер юзидаги энг шафқатсиз жой» сифатида тасвирланади. Бу уч плитанинг «учрашув жойи». Шунингдек, эҳтимол, дунёдаги энг фаол вулқонли жой ҳисобланар.

Бу ерда йиллик ўртача ҳарорат Цельсий бўйича 34,4 даражани ташкил қилади ва бу уни Ер юзидаги энг иссиқ маконлардан бирига айлантиради. Ёғингарчилик кам бўладиган, вулқонли вайроналар, гидротермал далалар ва тузли текисликлардан иборат бу жойда ҳеч ким яшамайди деб ўйлашингиз мумкин, бироқ афарлар бу жойни ўз уйлари деб аташади.

Умуман одамларда географик жиҳатдан хатарли ҳисобланган жойларда яшаш каби ёмон одат бор. Бунга Италиянинг Везувий вулқони лаваси остида

қолган Помпей қадимий шаҳри яққол мисол бўла олади. Бироқ замонавий шаҳарларнинг баъзилари ҳам вулқон хавфи мавжуд жойларда яшашни қўйишмайди. Неаполь Везувийдан 10 километрдан ҳам камроқ масофада жойлашган, Мехико эса — Попокатепетлдан 70 километр масофада.

2015 йилда чоп этилган тадқиқотга кўра, сўнгги 400 йил ичида 200 000дан зиёд киши бевосита вулқон отилишидан ҳалок бўлган. Халқаро экспертлар гуруҳи вулқон фаол бўлган ҳудудлар рўйхатини тузди. Унга кўра, Индонезия хатар гуруҳининг энг чўққисида.

Сумбава оролидаги Тамбора тоғи 1815 йилда 70 000 кишини ҳаётдан олиб кетди. Отилиш иқлимни вақтинчалик ўзгартирди, охир-оқибат вулқон янада кўп кишининг ҳаётига зомин бўлди.

2010 йилда Мерапи тоғи 350 кишини қурбон қилди. Яна ўн минг киши вақтинчалик эвакуация қилинди.

Материалларни тайёрлашда республика ОАВ хабарларидан фойдаланилди.